

“Ангрен логистика маркази” АЖ
кузатув кенгашининг 4-сонли йиғилиш баёни

Ўтказиш санаси: 2023 йил 14 декабрь

Ўтказиш жойи: Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 1-уй.
“Ангрен логистика маркази” АЖнинг маъмурий биноси.

Ўтказиш вақти: Соат 11:00 да.

Йиғилишда иштирок этган кузатув кенгаши аъзолари:

- | | | |
|----|-------------------------------|------------------------|
| 1. | Рустамов Бахтиёр Равшанович | кузатув кенгаши раиси |
| 2. | Алибеков Тимур Абдумухторович | кузатув кенгаши аъзоси |
| 3. | Бойсинов Жасур Хасанович | кузатув кенгаши аъзоси |
| 4. | Абдикаримов Шавкат Озодович | кузатув кенгаши аъзоси |
| 5. | Асроров Умит Саттор ўғли | кузатув кенгаши аъзоси |

Йиғилишга таклиф қилинганлар:

- | | | |
|----|-------------------------------|---|
| 1. | Абдураимов Ботир
Тураевич. | “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори |
|----|-------------------------------|---|

Кузатув кенгашининг йиғилиши кун тартиби:

1.	“Ангрен логистика маркази” АЖ акцияларини “Тошкент” Республика фонд биржаси” АЖнинг биржа котировкалаш варағига киритиш тўғрисида.
----	--

Йиғилишда кузатув кенгаши аъзоларини 5 нафар аъзосидан 5 нафари, 100% иштирок этаётганлиги сабабли йиғилишни ўтказиш учун етарли кворум мавжуд. Йиғилиш очик деб эълон қилинди.

1. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ акцияларини “Тошкент” Республика фонд биржаси” АЖнинг биржа котировкалаш варағига киритиш тўғрисида”ги масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, кузатув кенгаши аъзоларига қуйидагиларни маълум қилди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-102-сон қарорига мувофиқ “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 100 фоиз давлат улуши сотилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан "Mosaic financial" МЧЖ “Ангрен логистика маркази” АЖнинг устав капиталидаги давлат улушини хусусийлаштириш бўйича профессионал консультант сифатида танланган.

2023 йил 1 июль ҳолатига “Ангрен логистика маркази” АЖнинг устав капиталида 100% давлат улушини (акция пакетини) мустақил баҳоловчи “BAHOLASH VA KONSALTING MARKAZI” МЧЖ томонидан яхлит пакет қилиб савдога чиқариш учун бозор баҳосида баҳолатилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан 2023 йил 11 декабрь куни “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-102-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги “Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 279-сон ва 2022 йил 12 январдаги 18-сон қарорлари, Хусусийлаштириш давлат

комиссиясининг 2023 йил 7 декабрдаги 73-сон мажлиси баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 7 декабрдаги 206/08-1-сон хати ижросини таъминлаш мақсадида “Ангрен логистика маркази” АЖ устав фондидаги 100 фоиз давлат акция пакетини биржа савдосига қўйиш тўғрисида”ги 179-й/ч-сонли буйруғи қабул қилиниб, ушбу буйруқда “Ангрен логистика маркази” АЖнинг номинал қиймати 5 000 сўм бўлган 100 фоиз давлат акция пакети 116 608 081 231,0 (бир юз ўн олти миллиард олти юз саккиз миллион саксон бир минг икки юз ўттиз бир) сўм бошланғич нархда “Тошкент” Республика фонд биржаси” АЖда биржа савдоларига қўйиш белгиланган.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг давлат акциялари:

умумий сони – 1 303 803 (бир миллион уч юз уч минг саккиз юз уч) дона;

тури – оддий акциялар - 1 303 803 (бир миллион уч юз уч минг саккиз юз уч) дона;

номинал қиймати – 5 000 (беш минг) сўм;

устав фондига (устав капиталига) нисбатан – 100 фоизни ташкил қилади;

эмитентнинг устав фонди (устав капитали) миқдори – 6 519 015 000 (олти миллиард беш юз ўн тўққиз миллион ўн беш минг) сўм;

бир дона акциянинг савдога қўйилиш (бошланғич) нархи – 89 436,89 (саксон тўққиз минг тўрт юз ўттиз олти) сўм 89 тийин.

Акциялар пакетининг умумий бошланғич нархи – 116 608 081 231,0 (бир юз ўн олти миллиард олти юз саккиз миллион саксон бир минг икки юз ўттиз бир) сўм.

“Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 15-моддасига асосан қимматли қоғозларни биржа савдоларига қўйишга рухсат беришни амалга ошириш (биржа листинги) қуйидаги тартиб-таомилларни ўз ичига олади:

қимматли қоғозлар эмитентининг ўз қимматли қоғозларини биржанинг котировкалаш варағига киритиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш;

қимматли қоғозлар эмитентининг молиявий ҳолатини баҳолаш;

қимматли қоғозларнинг ликвидлигини баҳолаш;

қимматли қоғозларни биржанинг котировкалаш варағига киритиш ва уни биржа аъзоларига етказиш.

“Тошкент” РФБ биржа котировка варағи тўғрисида”ги низомнинг 2-бандига асосан қимматли қоғозлар листинги – эмитентнинг қимматли қоғозларини биржа котировкалари варақасига киритиш тартиби ҳисобланади.

Ушбу низомнинг 12-бандига асосан қимматли қоғозларни биржа котировкалари варақасига киритиш учун эмитент биржага эмитентнинг ўз қимматли қоғозларини киритиш нияти тўғрисидаги аризани ва унга акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши қарорининг нусхасини илова қилган ҳолда тақдим этиши белгиланган.

Ш. Абдиқаримов, кузатув кенгаши аъзоларига қуйдагиларни таклиф қилди:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан 2023 йил 11 декабрь куни қабул қилинган “Ангрен логистика маркази” АЖ устав фондидаги 100 фоиз давлат акция пакетини биржа савдосига қўйиш тўғрисида”ги 179-й/ч-сонли буйруқни маълумот учун қабул қилишни;

- “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 1 303 803 (бир миллион уч юз уч минг саккиз юз уч) дона номинал қиймати 5 000 сўм бўлган 100 фоиз давлат акция пакетини бошланғич нархи 116 608 081 231,0 (бир юз ўн олти миллиард олти юз саккиз миллион саксон бир минг икки юз ўттиз бир) сўмда “Тошкент” Республика фонд биржаси” АЖда биржа савдоларига қўйишни;

- “Тошкент” Республика фонд биржаси” АЖга белгиланган тартибда жамиятнинг 1 303 803 (бир миллион уч юз уч минг саккиз юз уч) дона номинал қиймати 5 000 сўм бўлган 100 фоиз давлат акция пакетини бошланғич нархи 116 608 081 231,0 (бир юз ўн олти миллиард олти юз саккиз миллион саксон бир минг икки юз ўттиз бир) сўмда биржа

савдоларига чиқариш учун биржа котировкалаш варағига киритишни сўраб ариза билан мурожаат қилишни.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Т.Алибеков, Ж.Бойсинов, Ш.Абдикаримов, У.Асроров
Қаршилар – йўқ
Бетарафлар – йўқ

Юқорида баён қилинганларга асосан “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан 2023 йил 11 декабрь куни қабул қилинган “Ангрен логистика маркази” АЖ устав фондидаги 100 фоиз давлат акция пакетини биржа савдосига қўйиш тўғрисида”ги 179-й/ш-сонли буйруқни маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 1 303 803 (бир миллион уч юз уч минг саккиз юз уч) дона номинал қиймати 5 000 сўм бўлган 100 фоиз давлат акция пакетини бошланғич нархи 116 608 081 231,0 (бир юз ўн олти миллиард олти юз саккиз миллион саксон бир минг икки юз ўттиз бир) сўмда “Тошкент” Республика фонд биржаси” АЖнинг биржа котировкалаш варағига киритилсин.

3. “Ангрен логистика маркази” АЖ ижроия органи “Тошкент” Республика фонд биржаси” АЖга жамиятнинг акция пакетини биржа котировкалаш варағига киритишни сўраб ариза билан мурожаат қилсин.

Кузатув кенгаши раиси

Кузатув кенгаши аъзоси

Кузатув кенгаши аъзоси

Кузатув кенгаши аъзоси

Кузатув кенгаши аъзоси


Б.Рустамов


Т.Алибеков


Ж.Бойсинов


Ш.Абдикаримов


У.Асроров

Баённома имзоланган сана: 2023 йил 14 декабрь